

**ЎЗБЕКИСТОН ТАДБИРКОР АЁЛЛАРИ “АЁЛЛАР ТАДБИРКОРЛИГИНИ
ХАЛҚАРО ГЛОБАЛ ИНДЕКСИ” НИНГ АЪЗОСИ****М.Шамсиева***ФарДУ, Ўзбекистон тарихи кафедраси**доценти, PhD,***Азимов Аъзамжон***1- босқич магистранти*

Аннотация: *Мақолада тадбиркорлик тарихи, Ўзбекистон ишбилармон аёллари “Тадбиркор аёл” ассоциацияси фаолияти ҳамда “Аёллар тадбиркорлигини халқаро глобал Индекси” нинг аъзолигига қабул қилинганлиги ҳақида ёритилган.*

Калит сўзлар: *иқтисодиёт, хотин-қизлар, бозор муносабатлари, халқаро лойиҳа, “Тадбиркор аёл” ассоциацияси, халқаро глобал Индекси.*

Жамиятда моддий неъматлар яратиш, инсонларнинг ҳаётий эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилувчи муҳим соҳа сифатида ишлаб чиқариш ва унинг тармоқлари вужудга келиши натижасида бозор вужудга келди. Бозор иқтисодиётининг узоқ йиллик тарихига назар ташланса, у жамият иқтисодий тараққиётини таъминлаб берувчи, одамлар фаровонлигини оширувчи прогрессив куч эканлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Аслида, кишилиқ жамияти тарихидаги учта йирик меҳнат тақсимоти, овчиликдан чорвачилиқнинг ажралиб чиқиши, деҳқончилик ва хунармандчиликнинг вужудга келиши инсонларнинг табиат берган имкониятлардан келиб чиқиб, моддий неъматлар яратиш ҳамда тадбиркорлик соҳасидаги дастлабки фаолиятнинг бошланиши эди.

Бизнесмен (тадбиркорлик) сўзи биринчи мартаба Англия иқтисодиётида XVIII асрда пайдо бўлиб, у “Мулк эгаси” деган маънони билдиради⁴⁵.

Дунё мамлакатлари тажрибасига кўра, кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳаси – капитал маблағ сарфини кам талаб қилиши, бозор иқтисодиётининг ўзгарувчан талабларига тез мослашиши, ички бозорни сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдириши ҳамда экспорт салоҳиятини ўсиши каби ўзига хос жиҳатлари билан иқтисодиётда муҳим ўрин тутди.

Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасини қўллаб-қувватлаш борасида “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги, “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги (янги таҳрирда), “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик

⁴⁵ Qomus.info.Tadbirkorlik

фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги⁴⁶ ва бошқа ўн бешдан ортиқ меъёрий-ҳужжатларнинг қабул қилиниши натижасида аҳолининг меҳнатга лаёқатли қатламини, жумладан, хотин-қизларни тадбиркорлик, ишбилармонлик-бизнес юритиши учун қулай шарт-шароитлар яратилиб, иқтисодиётда уларнинг ўрнини тобора мустаҳкамланишига замин яратмоқда.

Таъкидлаш жоизки, хотин-қизлар нафақат миллат генафондини шакллантирувчи асосий манбагина эмас, балки мамлакат иқтисодиётида катта меҳнат ресурси ҳисобланади. Хотин-қизларни ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш, уларни тадбиркорликка жалб этиш ва ривожлантириш, уларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш бўйича амалга оширилаётган амалий ишларда “Тадбиркор аёл” Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциациясининг алоҳида ўрни бор.

“Тадбиркор аёл” уюшмаси фаолияти бозор муносабатлари шароитида хотин-қизларнинг фаол иштирок этиши учун қулай шарт-шароит яратиш, уларнинг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, бизнесда ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган.

Ўзбекистон ишбилармон аёллари «Тадбиркор аёл» ассоциацияси 1991 йил 21 июнда ташкил топган. Ассоциациянинг мақсад ва вазифалари:

- аёлларнинг шаклланиб келаётган янги меҳнат бозорига мослашиши учун қулай шароитлар яратиш бериш, уларнинг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, тадбиркор аёлларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш,

- Ассоциация аъзоларининг манфаатларини илгари суриш, тадбиркорликнинг турли шаклларида кўмаклашиш, амалий ҳамкорликда ўзаро ишонч муҳитини мустаҳкамлашдан иборат⁴⁷.

Ўзбекистон ишбилармон аёллари “Тадбиркор аёл” ассоциацияси республиканинг 14 та вилоятида ўз бўлинмаларига эга. Тадбиркор аёллар сони бугунги кунда 165 минг нафардан ортиқдир. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари раҳбарлари умумий сонининг 34 фоизини аёллар ташкил этади. Фермер хўжалиқларининг 7 фоизиди (5066 та) аёллар раҳбарлик қилади⁴⁸.

Мамлакатимизда хотин-қизларни тадбиркорликка жалб этиш ва уларни қўллаб-қувватлаш борасида давлат томонидан молиявий кўмак бериш бўйича ўзига хос модель яратилди. Аёллар тадбиркорлигини ҳар томонлама ривожлантириш учун тижорат банклари томонидан ажратилаётган кредитлар ҳажми йилдан-йилга ошиб бормоқда. Ўтган йиллар мобайнида “Тадбиркор аёл” уюшмаси аъзолари томонидан амалга оширган лойиҳалари асосида 200 мингдан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилди. Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фонди ижтимоий буюртмасига биноан “Иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг республика даражасидан паст бўлган 10

⁴⁶ [https // www.lex.uz](https://www.lex.uz).

⁴⁷ Асминкин Я.П ва бошқалар. Ўзбекистон аёллар нодавлат ноижорат ташкилотлари. Маълумотнома . – Тошкент, Нашриёт, 2000, – Б.38-39

⁴⁸ www.standart.uz//O'zbekistonda tadbirkor ayollar soni

та туманида яшаётган ўрта махсус ва олий ўқув юртлари битирувчиларини, аёллар ва ногиронларни оилавий бизнесга ва хусусий тадбиркорликнинг турли соҳаларига кенг жалб этиш, уларнинг бандлигини таъминлаш, бунинг баробарида замонавий ахборот технологияларини пухта ўзлаштиришларига ёрдам бериш” номли лойиҳа амалга оширилиб, ҳар бир туманда 128 нафардан ишсиз аёлни қайта касбга тайёрлади ва бизнес асосларига ўргатилди. Бу жараёнга жами 1024 ишсиз хотин-қиз қамраб олиниб, 1000 га яқини иш билан таъминланди.

Уюшма халқаро миқёсда қатор лойиҳаларни амалга оширмоқда. Жумладан, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти билан ҳамкорликда “Аёллар бизнес таълимини такомиллаштириш ва Ўзбекистонда ёш хотин-қизлар тадбиркорлик ҳаракатини ривожлантириш” лойиҳаси асосида ёш тадбиркор аёлларга бизнес асослари йўналишида махсус таълим дастури ўтилди. Дастур асосида иштирокчилар Голландияда бўлиб, ўз касбдошлари билан тажрибаларини ўртоқлашди.

Ислон тараққиёти банки билан ҳамкорликда “Аёллар бандлигини таъминлаш, ижтимоий йўналтирилган инновацион бизнес лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш лойиҳаси” доирасида 15 нафар хотин-қиз Ислон тараққиёт банкининг кичик грантларини олишга муваффақ бўлди.

Жаҳон банки кўмагида “Ўзбекистонда мева-сабзавотчилик секторини ривожлантириш” лойиҳаси фермер, деҳқон ва боғдорчилик хўжаликларига фаолият юритаётган аёлларга яқиндан кўмак бермоқда⁴⁹.

Ҳар йили “Тадбиркор аёл” Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси Ўзбекистон Банклар уюшмаси ҳамкорлигида анъанавий “АНОР” кўрик-танловининг ўтказилиши ҳам юқорида белгиланган устувор вазифаларни ижросини таъминлашга хизмат қилади.

2020 йилда “Тадбиркор аёл” Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги кўмагида “Ўзбекистонда аёллар тадбиркорлигини халқаро глобал Индекс талаблари асосида юритиш тизимини яратиш” инновацион лойиҳасини амалга оширилиши мамлакатимизда бизнес экотизими ва унда тадбиркор аёллар салоҳиятининг истиқболлари, дунёнинг 100 га яқин мамлакатлари орасидаги рейтингини аниқлаш имконини берди⁵⁰.

“Аёллар тадбиркорлиги Глобал индекси” бутун дунёда аёллар тадбиркорлиги ривожини истиқболларини ўлчаб беради. Аёллар тадбиркорлиги ривожини сифатини эса 3 та асосий омил: тадбиркорлик муҳити, тадбиркорлик экотизими ва аёлларнинг тадбиркорлик билан шуғулланиш истаклари билан белгилаб беради.

Шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистоннинг ушбу глобал рейтингда қатнашиши аёллар тадбиркорлиги ҳолатининг ривожланган мамлакатлар орасида солиштирув таҳлили амалга ошириш, глобал рейтинг индикаторлари орқали мавжуд муаммоларни

⁴⁹ . [https // Ўз.А. Тадбиркор хотин-қизлар мамлакат ривожига ҳисса қўшади.20.11.2019.](https://uz.a.bestpublication.org)

⁵⁰ [https // ngo.uz.](https://ngo.uz) Аёллар тадбиркорлиги глобал индексида Ўзбекистоннинг иштироки.

аниқлаш, аёллар тадбиркорлиги муҳитини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирларни белгилаш, шунингдек халқаро ҳамжамиятнинг ижобий ёндашувига эришиш учун хизмат қилади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

1. Qomus.info.Tadbirkorlik
2. [https // www.lex.uz](https://www.lex.uz).
3. Асминкин Я.П ва бошқалар. Ўзбекистон аёллар нодавлат ноижорат ташкилотлари. Маълумотнома . – Тошкент, Нашриёт, 2000, – Б.38-39
4. www.standart.uz//O'zbekistonda tadbirkor ayollar soni
5. [https // Ўз.А.](https://uz.а) Тадбиркор хотин-қизлар мамлакат ривожига ҳисса қўшади.20.11.2019.
6. [https // ngo.uz](https://ngo.uz). Аёллар тадбиркорлиги глобал индексида Ўзбекистоннинг иштироки.